Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 129 (4824).
9 июнь 1982 й.
ЧОРШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

«Новий мир» журналининг Ўзбекистон ССРдаги кунларида қатнашаётган бир группа совет адиблари 8 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ёзувчиларга республика меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўрток Л. И. Брежневнинг докладидан келиб чиқадиган вазифаларни, унинг Тошкентда бўлган вақтида айтган кўрсатмаларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун қандай курашаётганликларини гапириб берди. Ҳозир пахта, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун зўр куч-ғайрат сарфланмоқда. Республика саноати бир маромда ишлаб турибди, зарур меҳнат ресурслари мавжуд бўлган районларда янги корхоналар ва уларнинг филиаллари барпо этилмоқда. Одамлар зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминланиши, кишлок меҳнатчиларининг турмуш ва фаолият шароитлари эса Ўзбекистоннинг йирик саноат марказларида қарор топган шароитлардан қолишмаслиги учун курилиш ишлари комплекс олиб борилмоқда, социал-маиший ва маданий объектлар курилмоқда.

Қишлок хўжалигининг самарадорлигини ошириш, янги ерларни ўзлаштириш имконини берадиган ирригация ва мелиорация ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Чорвачилик, сабзавотчилик ва боғдорчилик муваффақиятли ривожланмоқда.

Ўзбекистон Ноқоратупроқ ўлкага ёрдам бермоқда, Сибирь бойликларини ўзлаштиришда қатнашмоқда. Республика пахтакорлари эса Ангола, Мозамбик, Эфиопия, бошқа мамлакатларнинг деҳконларига «ок олтин»дан мўл ҳосил етиштиришда кўмаклашмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммасини Ўзбекистон меҳнаткашлари ўзларининг юксак интернационал бурчи деб биладилар.

Республика меҳнатчиларининг қаҳрамонона зафарлари ёзувчиларимиз учун битмас-туганмас, ажойиб илҳом манбаидир. Республикада минглаб кишилар севиб ўқиётган машҳур «Новий мир» журналининг ҳозир ўтказилаётган кунлари эса поэзия, проза асарларининг ғоявий ва бадиий савиясини янада ошириш ишига шак-шубҳасиз хизмат қилади. Сизларнинг журналингиз мамлакатимиздаги энг обрўли нашрларнинг биридир. Бу кўп миллатли адабиётимизнинг ўз бойликларини тобора кўпайтираётган саховатли дунёсигина бўлиб қолмай, шу билан бирга Октябрнинг улуғ қонунларига, улуғ Ленин васиятларига мувофиқ яшаб келаётган совет халқлари ягона оиласи образини ўзида мужассамлаштирувчи беқиёс кенг тушунча ҳамдир. Биз, деб таъкидлади ўрток Ш. Р. Рашидов, атоқли москвалик адиблар билан учрашишдан хурсандмиз, уларнинг асарлари Ўзбекистон китобхонларига таниш ва севимлидир.

Ш. Р. Рашидов СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, «Новий мир» журналининг бош редактори, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Карповга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини топширди, ёзувчи ўзбек совет адабиётини ривожлантириш ва пропаганда қилишдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлган эди.

В. В. Карпов кўрсатилган иззат-икром учун, республика меҳнатчилари билан учрашиб, уларнинг турмуши, келгусидаги ўз асарлари қаҳрамонларининг ҳаёти билан яхширок танишиш имконияти берилганлиги учун қаламкаш дўстлари номидан самимий миннатдорчилик билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов қатнашди.

(ЎзТАГ).



СУРАТДА: москвалик адиблар — «Новий мир» журналининг Ўзбекистон ССРдаги кунлари қатнашчилари (чапдан ўнгга) — В. Карпов ва А. Вознесенский ўзбек ёзувчилари даврасида.

(ЎзТАГ фотоси).

Барча резервлар — ишлаб чиқаришга

АҲДГА ЯРАША

Шина ремонт заводи бутун республикадаги автохўжаликлардан ремонт учун шиналар қабул қилади. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга кенгайиб бораяпти.

Бу йил коллективга 62 мингта шинани ремонтдан чиқариш, 350 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлаш топшириғи берилганди. Бу топшириқлар муваффақиятли адо этиляпти. Тўрт ойлик якуни бўйича 22.391 та шина ремонтдан чиқарилди. Бу маҳсулотнинг 200 тага яқини планга қўшимча тайёрланди. Эҳтиёт қисмлар бўйича топшириқ ҳам ортиғи билан адо этилди.

Ҳозир корхонада йиллик ташкилий-техник тадбирлар планига мувофиқ вулканизация аппаратлари энг янги, такомиллаштирилган намуналари билан алмаштириляпти. Бу маҳсулот сифатини янада яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради.

КАСБИГА СОДИҚЛАР

СССР ташкил топган куннинг 60 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида Чилонзордаги 2-троллейбус депосининг коллективи актив қатнашиб, бу йил 35.522 минг йўловчини манзилига элтишга аҳд қилган. Ҳайдовчилар ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб яна планга қўшимча 600 минг йўловчига хизмат кўрсатиш мажбуриятини олдилар.

Меҳнат беллашувида «Намунали хизмат кўрсатувчи маршрут» фахрли номини олишга интилаётган 16-троллейбус маршрутининг ҳайдовчилари пешқадамлик қилишяпти. Бу аҳил коллектив аъзолари трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг совринини олишга ҳам муваффақ бўлдилар.

Ҳар тонг Инкилоб хиёбони — Дўмбиробод массиви оралиғида юксак маданий хизмат кўрсатиш учун депо дарвозасидан 12—13 та машина чиқади. 12,1 километр масофали бу маршрут ўз машъалларига эга. Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати Солиха Хузияхметова, маршрут бригадири Неъмат Султонов, Ҳасан Султонбеков, Раҳмат Саъдиев, Геннадий Богдагуловлар троллейбусни график бўйича бошқариб сменада 150—160 километр йўлни босиб ўтмоқдалар. Моҳир ҳайдовчиларнинг яна бир эзгу нияти юбилей арафасида «Авариясиз 500.000 километр» фахрли нишонини қўлга киритишдир.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

КЕРАКЛИ «МАЙДА-ЧУЙДА»ЛАР

Республика кўрлар жамиятига қарашли 1-комбинатда шиша банкалар учун тунука қопқоқлар, вешалкалар, қисқичлар, предохранителлар ва бошқа «майда-чуйда» буюмлар тайёрланади. Аммо аҳоли ўртасида бу буюмларга эҳтиёж жуда катта. Шунинг учун ҳам корхона коллективи ишлаб чиқаришни тобора кенгайтириш йўлини изчил давом эттиряпти.

Ўн биринчи беш йилликда бу ерда 36 миллион сўмлик ёки ўтган беш йилликдагидан 4 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Ҳозир бу вазифа муваффақиятли адо этилаяпти. Ўтган йил план ва мажбуриятлари ортиғи билан адо этилганди. Бу йилги меҳнат суръатлари ҳам қувонарли. Корхонада тўрт ойда 2.265 минг сўмлик ёки пландагидан 40 минг сўмлик кўп маҳсулот реализация қилинди.

ИНСТИТУТ БАЙРОҒИДА ОРДЕН

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтини битириб чиккан шифокорларни олис Курил оролларидан Ғарбий Карпат ўрмонларигача, Шимолий муз океани соҳилларидан Ватанимизнинг жанубий чегараларидаги жазирама субтропикларгача — ҳамма жойда учратиш мумкин. Турли йилларда шу ўқув юртида кайта тайёрловдан ўтган юкори малакали медик мутахассислар тўқсон минг нафарга етай деб колди. Мана шу ўқув юрти ўзининг 50 йиллигини нишонламоқда.

Олтита кичик кафедрадан иш бошлаган институт ҳозир элликтадан кўпрок ихтисос бўйича врачлар тайёрламоқда. У Ўрта Осиё регионида медиклар малакасини ошириш профили соҳасида асосий олий ўқув юрти ҳисобланса, врачлар тайёрлаш соҳасида методик маслаҳатлар берувчи ва мувофиқлаштирувчи марказдир.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти халқ соғлиғини сақлаш, медицина фанини ривожлантиришдаги ва малакали кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Меҳнат Кизил Байроқ ордени билан мукофотланган эди. 7 июнь куни бўлиб ўтган тантанали йиғилишда коллективга ҳукуматнинг юксак мукофоти топширилди.

Йиғилиш қатнашчилари меҳнат ахли тўғрисидаги, халқ соғлиғини сақлашни ривожлантириш ҳақидаги тинимсиз гамхўрлик учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток Л. И. Брежневга астойдил миннатдорчилик изҳор этдилар, бундан буён ҳам бутун куч ва билимларини халқ соғлигини сақлаш ва медицина фанини ривожлантириш ишига, КПСС XXVI съезди тарихий режаларини бажаришга сарфлайверишга азму қарор берганликларини билдирдилар.

(ЎзТАГ).

Катта санъат билан учрашиш қувончи

Тошкентдаги В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройида рақс байрами бир неча кун давом этди. Игорь Моисеев раҳбарлигидаги СССР давлат академик халқ рақс ансамбли бу ерда ўз санъатини намойиш этди. Ўз санъати билан бутун дунёни мафтун этган машҳур коллективни тошкентликлар самимий кутиб олдилар. Ансамблнинг концертлари рақслардан, миниатюралардан, бир пардали балетдан иборат бўлди. «Рус шаҳар кадрили» рақси, «Ўтмиш манзаралари», «Кемада бир кун» сюиталари, А. Бородиннинг «Князь Игорь» операсидан рақслар ва бошқа номерлар тошкентлик томошабинларга халқдан ўрганилган ва одамларга сахийлик билан янада бойитилиб, янада сайқал ва жило бериб қайтарилган гўзал санъат билан ошна бўлиш ҳузурини бахш этди.

СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Моисеев раҳбарлигидаги ансамбль концертини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари томоша қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ БОШ ВАЗИФАСИ

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг 7 июнь куни бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь ва 1982 йил май Пленумлари қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ва тавсияларини амалга ошириш борасида республика журналистларининг ҳиссасини кўпайтиришга доир амалий тадбирларни, оммавий ахборот воситалари ижодий ходимларининг СССР 60 йиллигига тайёргарлик ишларини ёритиш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилдилар. Союз правлениесининг раиси З. И. Есенбоев доклад қилди.

Пленум республика журналистларини Совет давлатининг юбилейи шарафига бошланган умумхалқ мусобақасини, агросаноат ишлаб чиқаришини интенсивлаш учун, мамлакатнинг Озиқовқат программасини амалга ошириш учун курашни ўз материалларида яққол ва ранг-баранг кўрсатиб беришга чақирди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига бинобан республикада соғликни сақлашни ривожлантиришдаги хизматлари учун ва Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтининг 50 йиллиги муносабати билан фтизиатрия кафедрасининг доценти Акбар Аброрхўжаевич **Ахрорхўжаевга** ҳамда акушерлик-гинекология кафедрасининг ассистенти Бася Авраамовна **Дидовичга** «**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач**», умумий гигиена кафедрасининг доценти Кодир Аҳмаджонович **Аҳмаджоновга** «**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими**» фахрий унвонлари берилди.

Институт ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ В. В. КАРПОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги ва пропаганда қилишдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан «Новий мир» журналининг бош редактори ўрток Владимир Васильевич **Карпов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 7 июнь.

«ИЛҲОМИМНИ ХАЛҚИМГА БАҒИШЛАДИМ МЕН»

Пушкиннинг мангу барҳаёт сатрлари улуғ Ватанимизнинг ҳамма жойларида янграб турибди, унинг шеърияти халқ маънавий ҳаётининг таркибий қисми бўлиб қолган, зеро шоир ўзининг бутун ижодиётини халққа бағишлаган эди. Унинг асарлари Ўзбекистон меҳнаткашлари учун ҳам ғоят севимли, азиз ва тушунарлидир. Александр Сергеевич туғилган кунининг 183 йиллигига бағишланиб республикада ўтказилган анъанавий пушкинхонлик кечаларида юз минглаб меҳнаткашлар иштирок этишди. Концерт заллари ва майдонларда, саноат корхоналарининг цехларида ва қишлок клубларида унинг асарлари жаранглаб эшитилди.

Тошкентнинг «Баҳор» концерт залида 7 июнь куни якунловчи пушкинхонлик кечаси ўтказилди. Шаҳар жамоатчилигининг намсяндалари, республика маданият арбоблари бу ерга келган эдилар. Москвалик таниқли адиблар — «Новий мир» журналининг республикада бошланган кунлари қатнашчилари шеърият байрамида иштирок этдилар. Кечани Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия очди. У Пушкиннинг жуда бой адабий мероси бутун совет адабиётини, шу жумладан ўзбек миллий маданиятини ривожлантириш учун ғоят катта аҳамиятга эга эканини уктириб ўтди.

Сўзга чиққан нотиқлар — СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, «Новий мир» журналининг бош редактори, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Карпов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Мирмуҳсин, Шукрулло, «Новий мир» журнали бош редакторининг ўринбосари шоир М. Д. Львов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Ҳ. Худойбердиева, О. Матчон, Қорақалпоғистон АССР халқ ёзувчиси И. Юсупов ва бошқалар А. С. Пушкиннинг шеърларидан, ўзларининг рус адабиёти даҳосига бағишланган асарларидан ўқидилар. Бу галги пушкинхонлик кечалари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида ўтаётганлиги бу кечаларга алоҳида яхши кайфият бахш этаётганини нотиқлар уктириб ўтишди. «Халқлар низоларни тарк этиб, улуғ оилага бирлашадилар» деб ёзган улуғ шоир ҳам дўстликнинг тантанасини орзу қилган эди.

Кечада Пушкин яратган асарлар — ёзувчиларнинг авлодлари, шу жумладан республикамиз ёзувчилари учун ҳам ажойиб маҳорат мактаби эканлиги тўғрисида гапирилди. Ойбек, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Шайхзода каби таниқли адиблар унинг асарларини ўзбек тилига таржима қилиб, Ўзбекистондаги миллион-миллион китобхонларга Пушкин бадиий хазинасининг эшигини очиб берган эдилар. Эндиликда шоирнинг мангу барҳаёт сатрлари рус, ўзбек тилларида, Советлар мамлакатидаги барча қардош халқларнинг тилларида янграб турибди.

(ЎзТАГ).

А. ВОЗНЕСЕНСКИЙ: ТОШКЕНТ ҲАҚИДА ТААССУРОТЛАР

Республикамизда СССР Ёзувчилар союзининг «Новий мир» журнали кунлари ўтмоқда. Қуёшли юртимизга журнал редакцияси ходимлари ва унинг актив муаллифлари ташриф буюрдилар. Шу муносабат билан мухбиримиз таниқли совет шоири, СССР Давлат мукофоти лауреати Андрей Андреевич ВОЗНЕСЕНСКИЙ билан учрашиб, унга саволлар билан мурожаат қилди.

— Андрей Андреевич, қуёшли юртимизга хуш келибсиз. Жаҳоннинг кўплаб юртлари, мамлакатларида бўлгани каби бизнинг Ўзбекистонда ҳам сизнинг мухлисларингиз беҳисоб. Улар Сизнинг шеъриятингиз билан жуда яхши таниш. Сизнинг Тошкентда табиий офат юз берган кунларда бу ерга дарҳол етиб келганлигингиз, янги Тошкентнинг меъморчилик қиёфаси ҳақида архитекторлар билан суҳбатлашганлигингиз, Тошкент зилзиласи ҳақида ёзган шеърингиз кўпчилик оқшомхонларимизга маълум. Мана, зилзиладан сўнг анча вақт ўтди. Тошкент СССР халқларининг қардошлик ёрдами туфайли ҳар жиҳатдан кўркам гўзал шаҳарга айланди. Айтингчи, Ўзбекистон пойтахти меъморчилигининг қайси жиҳатлари диққатингизни тортди?

— Аслида мен архитектура институтини битирганман. Шунинг учун ҳам мен қаерда бўлмайин, жаҳоннинг қайси мамлакатини кезмайин ўша жойнинг қадимий ва замонавий меъморчилик услубларига диққат қиламан. Бу ҳақда муҳандис ва архитекторлар билан суҳбатлашаман. Менда Ўзбекистоннинг қадимий услубда қурилган ноёб меъморчилик иншоотлари катта таассурот қолдирган. Улар жаҳондаги бошқа бирор жойдаги меъморчилик обидаларига ўхшамаслиги, юксак санъаткорона яратилганлиги, ажойиб маҳобати ва серқирра рангларга бойлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун мен ҳам меъморчилик тараққиётига қизиқувчи, ҳам шоир сифатида Ўзбекистоннинг ана шу бебаҳо қадимий меъморчилик услублари Тошкентнинг янги архитектура комплексларида акс этишини жуда-жуда истагандим. Мана 1966 йилги зилзиладан кейин бу ерда биринчи бор бўлишим. Ҳатто Тошкентга учаётган энг замонавий ҳаво кемаси ИЛ—86 аэробусида ҳам яқин архитектор дўстим билан Тошкентнинг бугунги қиёфаси ҳақида суҳбатлашиб келдик.

Дўстим билан самолёт салонидаги суҳбат чоғида Тошкентнинг янги қиёфаси ҳақида олган таассуротларим бу ерга келиб шаҳар билан танишгач янада бойиди. Катта қувонч билан эътироф этишим керакки, Тошкентда қадимий шарқ меъморчилиги анъаналари билан XX асрга хос энг замонавий архитектура услублари оригинал даражада мужассамланган. Айниқса, В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройининг муҳташам биноси, осмонўпар «Ўзбекистон» ва «Москва» меҳмонхоналари менда жуда катта таассурот қолдирди. Шунга ўхшаш маъмурий ва жамоат биноларидагина эмас, «Новий гумбазлар» типидаги кафе ва чойхоналарда ҳам миллий меъморчилик услубларидан ижодий фойдаланилганлиги, рангли кошинлар, мармар ва гранит каби нодир бинокорлик материаллари Тошкентнинг ажойиб меъморчилик иншоотларига кўрк бераётганлиги қувончли ҳолдир. Менимча Тошкентнинг бугунги архитектурасини яратган меъморлар ва муҳандислар ажойиб ижодий ютуқни қўлга киритганлар. Улар Тошкентнинг бетакрор жозибали қиёфасини, қуёшли ўлка гўзал табиати ва бой саховатига арзигулик такрорланмас кўринишдаги Тошкент меъморчилигини яратганлиги учун ҳам мен уларга ташаккур айтгим келади.

— Сизнинг шеърларингиз жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Ўзингиз ҳам инглиз тилини жуда яхши биласиз. Айтингчи, шеърларингизнинг ҳорижий тиллардаги таржималари сизга маъқулми? Умуман шеърият таржимони бир халқ поэзиясини иккинчи халқ тилига муваффақиятли ағдара олишида қайси жиҳатлар муҳим аҳамиятга эга: таржимон шахсиятими ёки истеъдодими?

— Бу борада шоирлар ва мунаққидлар, адабиётшунослар кўплаб баҳс-мунозаралар олиб боришган. Негаки, бир халқ шеъриятини бошқа халқ тилига таржима қилиш энг масъулиятли ва айни пайтда халқларни бир-бирига танитадиган-бир-бирига яқинлаштирадиган шарафли ишдир. Шунинг учун ҳам менимча шеърият таржимони асар таржима қилинаётган тилни ўз она тили каби билиши шарт. Бусиз ўша тил шеъриятидаги энг ноёб ва нодир туйғуларни, шеърнинг бутун гўзаллигини бера олиш қийин. Кўпинча айрим таржимонлар асар таржима қилинаётган тилни мукаммал билмасдан туриб маъноси шунчаки ағдарилган нусхалар асосида ҳам таржима шеърлар яратишади. Бундай таржима ҳеч қачон катта муваффақият келтирган эмас. Шеърият таржимони учун яна бир муҳим жиҳат бор, яъни у аввало ўз тилида яхши ёза оладиган истеъдодли шоир бўла олиши керак. Шундагина у ўзи таржима қилаётган тилга катта ҳурмат-эътибор билан қарай олади. Ўша тилга хос бўлган ўхшатиш ва ибораларни, рамзий тушунчаларни ўз тилидаги сўз бойликлари орқали жаранглата олади. Шунинг учун ҳам шеър эркин таржима қилиниши лозим. Бу деган сўз таржима қилинаётган тилдаги нозик жиҳатларни мужассамлантира оладиган оригинал образлар кўллаш демакдир. Ана шунга амал қилган шоир ўзи таржима қилаётган асарни севиб, лаззатланиб, ҳаяжонланиб ўқий олсагина, хайратлана олсагина, бу ишга катта истеъдод билан ёндоша олсагина муваффақият қозонини мумкин.

— Сиз жаҳондаги кўплаб мамлактларда бўлгансиз, саёҳатларни, янги эл, элатлар билан танишишни севасиз. Мана бугун жаҳонга Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби улкан шоир ва алломаларни етказиб берган Ўзбекистон замнинидасиз. Айтингчи, янги юртлар билан танишиш Сизда қандай туйғулар уйғотади?

— Албатта янги юртлар билан танишганингда унинг ташқи белгилари, табиати, қиёфаси эътиборингни тортиши, маҳлиё этиши мумкин. Мен эса кўпинча қаерда бўлмайин ўша халқ ҳаёти билан чуқурроқ танишишга, ўзим учун унинг қалбидаги гўзаллик ва буюкликни кашф этишга, ўша халқ фахри бўлган ажойиб инсонлар билан танишишга ҳаракат қиламан. Шу боисдан жаҳоннинг турли бурчакларида мен ана шу учрашувларда танишган беҳисоб дўстларим бор. Улар билан суҳбатлашиш, яқиндан танишиш орқали мен ўша халқ ҳиссиётларини, дардларини доимо ўзимда ҳис этиб тураман. Ўзбекистонда ҳам менинг бундай дўстларим кўп. Мен бу ердаги кўпгина таниқли, истеъдодли шоир, ёзувчилар қатори бугунги ўзбек шеъриятининг фахри бўлган Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби истеъдодли шоирларни, асарлари Бутуниттифоқ ўқувчиларига танилган Нурали Қобул каби ёш ёзувчиларни жуда яхши танийман. Уларнинг ижодига доимо катта бир муҳаббат билан ёндошаман. Бу адибларнинг асарларида ўзбек халқининг тақдирини, унинг ўзи яратган пахтасидек оқ кўнгиллигини, юксак тоғларидек ғурурини, қалбидаги ажойиб самимият ва саховатини кўраман.

— Андрей Андреевич! Албатта Сиз саёҳатларни, дўстлар орттиришни жуда хуш кўрасиз. Айтингчи, яна Сизни жалб қиладиган бирор иштиёк борми? Агар мумкин бўлса шу ҳақда ҳам гапириб берсангиз.

— Ҳа, дарвоқе, бундай иштиёк ва кайфият ҳаммада ҳам бўлади. Биров иш ва ижоддан ташқари бўлганда, ёлғиз қолишни истаганда шахмат ўйнаши, балиқ овига бориши мумкин ва ҳоказо. Мен кейинги пайтда сув чанғиси билан шуғулланишни ўрганиб олдим. Композитор дўстларим Родион Шчедрин ва Тариверднев лар билан биргаликда сув чанғиси билан шуғулланиш менга жуда ёқиб қолди. Бу менимча иш ва ижоддан чарчаган пайтда, дам олиш учун энг яхши восита.

— Яқин орада мухлисларингиз Сизнинг қайси асарларингиз билан танишадилар? Агар сир бўлмаса шу ҳақда ҳам оқшомхонларимизга гапириб берсангиз.

— Бажонидил. «Юность» журналининг июнь ойи сонида бир туркум шеърларим босилди. Яқин орада шеърхонлар ана шу янги шеърлар туркумим билан танишишлари мумкин. Бундан ташқари, шу кунларда гўзал Ўзбекистонда кунлари ўтаётган «Новий мир» журнали учун ҳам махсус янги шеърлардан иборат бир туркум тайёрлаяпман. У ҳам шу йил шеърият мухлислари эътиборига ҳавола этилади. Айни пайтда кўплаб саёҳатларда бўлиш, янги одамлар, меҳнаткашлар билан танишиш биз шоирлар учун янги мавзу, сюжетлар беради. Ўйлайманки, «Новий мир» журналининг ходимлари ва авторлари сафида Ўзбекистонда ўтаётган журнал кунларида иштирок этиш, республиканинг кўпгина меҳнат коллективларида шеърхонлар билан учрашувлар, Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарлар билан танишиш янги шеърларим туғилишига сабаб бўлар. Яна бу ерда мен ҳис этган энг муҳим туйғу Ўзбекистонда СССР халқларининг бир-бирига дўстлиги туйғуси, қардошлик туйғусининг нечоғлик эъзозланаётганлиги, ардоқланаётганлигидир. Бу ҳам ҳар бир шоир учун ҳайрат ва ҳаяжон, илҳом манбаи десам муболаға бўлмайди.

— Андрей Андреевич, ажойиб суҳбатингиз учун оқшомхонларимиз номидан Сизга катта раҳмат. Ўзбекистондаги сафарингиз янада самарали, ижодий режаларга, учрашувларга бой бўлсин.

Суҳбатни
М. АБДУЛЛАЕВ
олиб борди.

Добрый привет
читателям
Тошкент Оқшоми
Андрей Вознесенский
19-82

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга!

ЭНГ МУҲИМ БУРЧ

Пойтахтимиз меҳнат коллективларида ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленумида «СССР-нинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари тўғрисида»ги доклади, Пленум ҳужжатлари зўр қизиқиш ва мамнуният билан ўрганилмоқда. Коллективларнинг меҳнат ва сиёсий активлиги ҳар қачонгидан ҳам жўш уриб кетди.

Қуйида шаҳримиздаги лак-бўёқ заводи партия комитетининг секретари Галина Семёновна МАКЛАКОВА билан махсус муҳбиримиз суҳбатини ҳавола этамиз.

— Корхонангизда май Пленуми қарорлари қандай ўрганиляпти?

— Барча совет кишилари қатори корхонамиз ишчи, хизматчилари ҳам партия Марказий Комитети май Пленумида ўртоқ Л. И. Брежневнинг сермазмун докладини катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан ишлаб чиқилган озиқ-овқат программаси халқимиз бахт-саодати йўлида кўрсатилган яна бир катта ғамхўрлик ҳисобланади. Пленум қарорлари, доклад ва программани чуқур, атрофлича ўрганиш ва унда қўйилган вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшиш бутун коллективимиз, партия ташкилотининг энг муҳим бурчидир. Шуни айтиш керакки, ҳозирдаёқ бу материалларни ўрганиш юзасидан бир мунча ишлар қилинди.

Аввало, сиёсий маориф ва иқтисодий таълим системасида май Пленуми ҳужжатларини, ўртоқ Л. И. Брежнев докладини ўрганиш юзасидан изчил иш олиб бориляпти. Хўш, бунда нималарга эътибор бераяпмиз. Энг аввало, Пленумнинг тарихий аҳамияти ҳақида пропагандистларимиз мароқли ҳикоя қилиб бермоқдалар. Чунки озиқ-овқат программаси — совет халқи фаровонлигини янада оширишнинг тарихий программасидир. Программанинг мақсади, ундаги тадбирлардан кўзда тутилган ниятимкони борича қисқа вақт ичида мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборатдир. Бир қарашда бу иқтисодий вазифадек бўлиб туюлади. Аслида бу актуал социал-сиёсий вазифадир. Партиямиз ҳамиша халқ кўнглидаги гапларни дадил айтиб келган. Социализм душманлари бизнинг қишлоқ хўжалигимиз эришаётган катта ютуқлар тўғрисида индамасликка ёки бу ютуқларни камайтириб кўрсатишга уринаётган бир пайтда май Пленуми озиқ-овқат программасини бажаришнинг конкрет йўл-йўриқларини кўрсатиб берди. Аслида бу тинчлик ишини мустаҳкамлашнинг муҳим шарти эканлиги докладда ҳам айтиб ўтилди. Тинчлик ва бунёдкорлик. Бу икки сўз бир-бири билан узвий боғлиқдир! Бу — Ватанимиз қудратини янада равнақ топтиришнинг негизидир. Ана шулар ҳақида пропагандистларимиз қалб қўри, оташин сўз билан ҳикоя қилиб бермоқдалар.

— Кимлар фаоллик кўрсатишяпти?

— Кўп йиллардан буён пропагандистлик ишида тажриба орттирган Василий Иванович Афанасьев, Таксира Ҳабибуллина, Альберт Петрович Шаралло, Августина Сергеевна Фролова сингари пропагандистларни кўрсатиш керак. Корхонадаги 5 та марксизм-ленинизм асослари мактаби, 2 та илмий-коммунизм мактаби, 5 та иқтисодий таълим, 3 та комсомол ўқуви, ёш коммунистлар мактаблари ва халқ университетларида СССР-нинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган озиқ-овқат программасини амалга ошириш бўйича конкрет тадбирлар тингловчиларга кенг тушунтирилмоқда. Асосий эътибор бу программани амалга оширишга ҳар бир кишининг ўз шахсий ҳиссасини қўшишга қаратилмоқда. Ҳақиқатан ҳам бунда коммунистларга, комсомолларга, ҳар бир меҳнатчига ёрдам бериш партия ташкилотининг энг муҳим бурчидир. Биз буни ўзимизнинг асосий ишимиз, жанговар ҳаракат программамиз деб биламиз.

— Программани бажаришга коллектив қандай ҳусса қўшяпти?

— Партия ташкилоти Пленум қарорларини, унинг ҳужжатларини коллектив ўртасида кенг тушунтириб, барча цех, участка ва бўлимларда муҳокама этиш жараёнида меҳнат коллективлари ҳар бир ишчи, коммунист ташаббускорлигига, ички резервлардан самарали фойдаланишига эътиборни қаратяпти. Одамлар билан ишлаш корхона партия ташкилоти ишидаги бош вазифадир. Меҳнат коллективларидаги маънавий-психологик иқлим, уюшқоқлик ва интизом ишлаб чиқаришда эришилаётган ютуқларнинг янада кўламли бўлишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзаро социалистик мусобақада коммунистлар ва комсомоллар фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Биз аввало, қишлоқ хўжалик ходимлари буюртмаларини биринчи галда адо этишга эътибор беряпмиз. Йиллик планга қўшимча 100 тонна лак, 60 тонна эмаль ва бошқа турли хил маҳсулотлар тайёрлашга аҳд қилинди. Пленум қарорларига жавобан йиллик маҳсулот тайёрлаш планини бир миллион сўмга ошириб бажариш режаланди. Иш ана шу юксак аҳдга яраша олиб бориляпти.

Ўртоқ Л. И. Брежнев озиқ-овқат программаси узоқ муддатли, ўртача муддатли ва шошилинч, энг зарур вазифаларни ўртага қўяётганини уқтириб, шошилинч, энг зарур вазифаларни ҳозир бутун ишимизнинг марказига қўйиш кераклигини айтиб ўтди. Программа шу йилнинг ўзидаёқ дастлабки самаралар бериши учун барча тадбирларни амалга ошириш лозимлиги уқтириб ўтилди.

— Бу борада конкрет нима ишлар қилиняпти?

— Корхона партия комитети шу йилнинг ўзидаёқ озиқ-овқат программасининг дастлабки самаралар бериши учун коллектив ўртасидаги барча ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишларни, кишиларнинг топширилган иш учун масъулиятини кучайтиришга интилмоқда. «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида меҳнат коллективларининг ўзаро мусобақаси тобора юксалмоқда. Бунда барча цехлар яхши натижаларга эришяпти.

Дастлабки беш ойлик план муваффақиятли бажарилди. Айниқса Юрий Федорович Истошин раҳбарлик қилаётган 1-лак цехи коллективи меҳнатда намуна бўлмоқда. Бунда цех партия ташкилотининг муносиб роли бор. Унга Сергей Никонович Дреев етакчилик қиляпти. Ойлик планларни муддатидан илгари бажаришга эришаётган бу коллектив намунаси бошқаларни олға даъват этмоқда. Шунингдек, Георгий Мирзоянц бошлиқ кенг истеъмол буюмлари цехини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Улар қишлоқ буюртмаларини тез ва тўла-тўкис адо этмоқдалар.

Программани бажаришга бу йил қўшадиган ҳиссамиз — Ильич районига оталиқ ёрдамини кучайтиряпмиз. Ўтган беш ойда район қишлоқ хўжалигига беш тонна эмаль тайёрлаб жўнатилди. Йил охиригача бу ёрдам янада кучайтириб борилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги машиналарига зарур асбоб-ускуналар, материаллар юборилмоқда. Ильич райони хўжаликларида корхонамиз моҳир слесарлари қишлоқ механизаторлар и г а амалий ёрдам кўрсатадилар.

Хуллас, «Ўроқ ва Болға» иттифоқи бундан буён ҳам янада мустаҳкамлана в е р а д и. Негаки, озиқ-овқат программаси ва уни амалга ошириш тадбирлари агросаноат комплексини ривожлантириш, унинг моддий-техика базасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш билан бевосита боғлиқ. Биз эса ўзимиздаги мавжуд резервларни қидириб топиб, улардан тўла-тўкис фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада ошириш йўли билан қишлоққа оталиқ ёрдамини янада кучайтиришга бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз. Зотан, партиямизнинг халқ фаровонлигини ошириш тўғрисидаги ғамхўрлигига амалий иш билан лаббай деб жавоб бериш муқаддас бурчимиздир.

Суҳбатни
Ҳ. ИКРОМОВ
олиб борди.

Ишчи сулолалари

Меҳнат нашидаси

Турсун аканинг токарлик касбини астойдил севиб қолиши отаси Қаюмхўжа ака меҳнат қилган Октябрь революцияси номидаги паровоз ва вагонлар ремонт қилинадиган заводга тез-тез бориб, токарларнинг ишларини зўр қизиқиш билан кузатиши натижасида бўлса ажаб эмас. Токарлик касбини эгаллаш орзуси болакайнинг қалбида оламолам қувончлар туғдирган эди ўшанда...

Уруш олови таҳдид солиб турган жойлардан Тошкентга кўчириб келтирилган СССР Темир йўл халқ комиссарлигига қарашли машинасозлик заводи — ҳозирги «Компрессор» заводига ишчи кучи жуда зарур эди. Бу завод Тошкентнинг шимолий саноат зонасига жойлашиб, тез кун ичида жанговар Қизил Армиямизга қурол-яроғ етказиб бера бошлади.

Еш Турсун ўрта мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмай, шу заводга ишга кирди. 1942 йилнинг арафаси эди. Токарликнинг сир-асфорларини тажрибали ишчи Обид акадан қунт билан ўргана бошлади.

Устоз шогирдидан қаноат ҳосил қилгач, ўч ойдан сўнг уни мустақил ишлашга ундади.

Турсун ака 40 йилдан бери заводнинг 3-механика-йигув цехида ҳалол ва фидокорона меҳнат нашидасини сураяпти. Юзлаб ёшларнинг меҳрибон ва талабчан мураббийси Турсун аканинг шарафли иши унинг оила аъзоларини ҳам шу заводга чорлади. Ўғли Абдуазим 10-синфни битириб, 1967 йилдан бери отасининг ёнида мастерлик вазифасини адо этаяпти. Укаси Зиёвутдин ҳам отаси ва акасининг этагидан тутиб ишга келганига ва термик цехда термист бўлиб ишлаётганига ҳам ўн икки йил бўлибди.

Турсун ака пенсия ёшидан ошган бўлишига қарамай, шогирдлари ва сафдошлари қаторида «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этмоқда. У ойлик планларини мунтазам равишда 130-140 процент бажариб келмоқда. Ҳозир эса 1982 йилнинг май ойи ҳисобига ишламоқда.

Турсун ака Қаюмхўжаев компрессорларнинг жуда муҳим деталларини тоза, аниқ ишлайди, шахсий белги қўяди, у ишлаган деталлар сифатли бўлгани учун ҳам назоратчилар ишончини қозонган.

Партиямиз ўз касбининг моҳири бўлган Турсун акани 1945 йилда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади. 1950 йилда Коммунистик партия сафига аъзо бўлди. Етти марта «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони, 1975 йили «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди.

У билан суҳбатлашмоқ учун цехга кириб борганимизда, станокда қандайдир детални йўнаётганди. Бизни жуда илиқ қарши олди.

— Заводда менинг ишимни қадрлайдилар. Шогирдларим кўп... Шунинг ўзи улуғ бахт. Заводда шунча йил ишлаб кам бўлмадим. Бу албатта, жонажон Коммунистик партиямизнинг раҳнамолиги ва ғамхўрлигидан...

Тушки танаффус пайти бўлди. У биз билан хайрлашди-да, бўш вақтидан фойдаланиб, ҳамкасбларини матбуотда эълон қилинган хабарлар билан таништиргани кетди. Тетик, ҳормас-толмас моҳир ишчи Турсун ака Қаюмхўжаев цехда агитаторлик ҳам қилади, ёшлар билан ишлашдан, уларга касбкор ўргатишдан сира чарчамайди, аксинча, бу иш унга завқ-шавқ бағишлайди. Турсун ака ва унга ўхшаш меҳнатсевар ва фидокор инсонларни тетиклантириб, зафарларга ундаб турган меҳнат нашидаси асло сўнмасин.

А. ФАТТОҲОВ,
«Тошкент оқшоми»-нинг жамоатчи мухбири.



Подшипник ремонти заводининг ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган ишчилари орасида тажрибали силлиқловчи Людмила Ғафурова ҳам бор. У шахсий беш йиллик топшириғини 3,5 йилда адо этишга сўз берган. Илғор ишчи ҳозир ваъдага вафо қилиб, смена топшириқларини мунтазам 125—130 процентга етказиб адо этяпти.
СУРАТДА: илғор силлиқловчи Людмила Ғафурова. М. Нуриддинов фотоси.

20 июнь — маҳаллий Советларга ва халқ судларига сайловлар куни

Агитпункт чорламоқда

РЕПОРТАЖ

Маҳаллий Советларга ва халқ судларига сайло в л а р г а пухта ҳозирлик кўрилаётгани агитпунктга яқинлашаётганимиздаёқ сезилади. Унинг ташқариси ва ичкариси диққатни дарҳол жалб қилувчи шиорлар билан безатилган. Плакатлар, стендлар ва панноларда даъваткор сўзлар ёзилган.

Биз агитпунктга кирганимизда навбатчи агитатор, институт нутқ маданияти кафедрасининг катта ўқитувчиси Адиба Носирова етмиш ёшлардаги мўйсафид билан суҳбатлашиб ўтирган эди.

— Агитпунктимизнинг фаол ёрдамчиларидан, — дея таништирди агитатор. — Ҳайрулла ака Абдуллаев, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Ўзлари яшаб турган кўп қаватли 131-уй ва маҳалла аҳолиси ўртасида ўтазилаётган сиёсий ва маданий тадбирларимизда катта мадад беряптилар.

Меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветерани Ҳ. Абдуллаев ёш сайловчилар билан тез-тез учрашиб, уларга оталарнинг шон-шуҳрат анъаналари, ватанпарварликлари ҳақида, жанг хотираларини ҳикоя қилиш билан бирга маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам фаол қатнашмоқда.

Агитпунктда сайловчилар ва агитаторлар учун лекциялар план асосида мунтазам ўтказилмоқда. Бу ишга институтнинг моҳир, тажрибали ўқитувчилари, олимлари жалб этилган. Айниқса, сўнгги кунларда институт олимлари ва юқори курсларнинг бир қатор аълочи студентлари томонидан социалистик демократия, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги, партия ва ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсати, совет сайлов системаси, комсомол зарбдор қурилишлари, социалистик қонунчилик каби мавзуларда ўтказилган лекция ва суҳбатлар жуда қизиқарли, жонли бўлди. Лекциялар бевосита институт ва район корхоналари ҳаётидан олинган факт ва мисоллар билан бойитилгани учун тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди.

Шунингдек, агитпунктда олиб борилаётган оммавий-сиёсий, маданий тадбирлар орасида айниқса, кекса сайловчилар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Абубакир Каримов, Абдулла Муҳамедов, Александр Чекмарев ва бошқалар билан бўлган учрашувлар қизиқарли бўлди. Бундан олдинроқ эса таниқли ёзувчилар, санъаткорлар, республикамизнинг бошқа донгдор кишилари билан учрашувлар ўтказилган эди.

— Агитаторлар коллективи хизматидан жуда хурсандмиз, — деди 129-уйнинг 47-квартирасида яшовчи кекса сайловчи Евгения Ивановна Бабух. — Улар ўзларига юклатилган жамоатчилик ишини юксак масъулият ва алоҳида эҳтирос билан бажараётганларини кундалик фаолиятларида кўриб турибмиз. Айниқса, район Совети депутатлигига номзод, Куйбишев район Совети ижроия комитети маданият бўлимининг мудири Маргарита Аркадьевна Хананянц билан бўлган учрашув, номзодларимизнинг меҳнат ва ижтимоий фаолиятларига бағишланган суҳбат ва бошқа тадбирлар бизга манзур бўлди.

Сайловчилар агитпунктнинг энг яхши агитаторлари сифатида О. Ройтман, М. Корнеева, В. Вильяевская, Г. Солиева, Г. Алиматова, М. Бозороваларнинг номларини ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки 50 дан ортиқ агитаторнинг ҳар бири ўз шахсий иш планига эга. Институт ўқитувчилари, аълочи студентлардан иборат агитаторлар коллективи барча тадбирларнинг юқори савияда ўтишига эришяптилар. Аввало, 2500 га яқин сайловчини рўйхатта олиш барвақт тугаллангани биринчи марта овоз беришда қатнашадиган ёш сайловчилар билан ишлашга катта эътибор берилаётгани кишини қувонтиради. Улар учун алоҳида бурчак ишлаб турибди. Бу йил сайловларда илк бор қатнашадиган Барно Юсупова, Бахтиёр Жуманиёзов, Яков Артемов агитпункт хизматидан, ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликдан жуда мамнун бўлиб гапирдилар.

— Агитаторлар фаолияти, умуман сайлов олди кампанияси ишлари институт ректорати, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг диққат марказида турипти. Сайловларга тайёргарлик, кўп сонли ташкилотчилар ишини кўнгилдагидек ташкил этишда институт партия ташкилоти секретарининг ўринбосари О. Ризаев, СССР тарихи кафедрасининг мудири Ҳ. Файзиев, кафедра доценти О. Кислова ва бошқа забардаст олим, педагогларнинг хизматлари катта бўлаётир, — дейди агитпункт мудири, ўзбек адабиёти кафедрасининг доценти, филология фанлари кандидати Эркин Худойберганов.

Чиндан ҳам Тошкент Давлат маданият институти биносига жойлашган 36-сайлов участкаси агитпунктида ҳамма нарса сайловларга анча барвақт тахт қилинди. Агитпункт ходимлари ва агитаторлар сайловолди тадбирларини мароқли мазмундор ва юқори савияда ўтказиш учун бутун куч, имкониятларини тўлиқ ишга солмоқдалар.

С. ЖУРАЕВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Биргаликда куч-ғайрат сарфлаб

ПРАГА. Совет ва Чехословакия олимлари ва мутахассислари ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаштириш кенг программасини амалга оширмоқдалар. Автомат манипуляторларни ишлаб чиқиш ва практикага жорий этиш бу программанинг асосидир.

Икки мамлакат олимлари ҳамкорлик доирасида электротермик асбоб-ускуналарни бошқариш ҳамда монтаж қилинадиган электр техника ишларини ўтказиш учун роботлар яратмоқдалар. Автомат пайвандлаш комплекслари меҳнат унумдорлигини 60 процент оширишга, технология жараёнини анча тезлаштиришга имкон беради. Яқинда Словакиянинг Детва шаҳридаги оғир машинасозлик заводи бундай комплексларни кўплаб ишлаб чиқарадиган бўлади.

Совет Иттифоқилик шериклар билан бирга амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаштириш программаси Чехословакия экономикаси учун гоят катта аҳамиятга эга. Программа ЧССРда ишчи етишмовчилиги проблемасини ҳал этишни анча енгиллаштиришга ёрдам беради. Шу ўн йиллик мобайнида республика корхоналарида манипуляторлардан кенг фойдаланиш ишлаб чиқаришнинг турли участкаларида ўн минглаб ишчиларни ишдан озод қилади.

Кўмир ҳавзалари ўрнида

БЕРЛИН. ГДРнинг кўплаб районларида ҳарорат — 30-33 даражага етган ҳозирги вақтда минглаб меҳнаткашлар бўш вақтларини сунъий кўл ва сув ҳавзаларининг соҳилларида, бундан бир неча йил муқаддам улкан экскаваторлар кўмир қазиб олган жойларда ўтказмоқда. Энди кўмир қазиб олинган жуда кўп жойларда дам олиш зоналари барпо этилган. Масалан, Зенфтенберг шаҳри яқинида (Котбус округи) пайдо бўлган кўл ҳозир катта шуҳрат қозонган. Унинг майдони 1.200 гектардан каттароқдир. Сўнгги йилларда бу ерда ўн миллиондан кўп киши ҳордиқ чиқарди.

Бундай дам олиш зоналарини ташкил этиш — ГДРда изчиллик билан амалга оширилаётган ерларни ўзлаштириш кенг программасининг таркибий қисмидир. Сўнгги икки беш йиллик мобайнида халқ хўжалигига жами 25 минг гектардан кўпроқ ер топширилди. Бу ернинг учдан бир қисмидан яна қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун фойдаланилмоқда. Қарийб 50 процентини ўрмонлар эгаллаган, қолгани эса меҳнаткашларнинг дам олиш жойи бўлиб хизмат қилмоқда.

ЭЛЕКТР ЛАМПОЧКАЛАР ПОРЛАЙДИ

ВЬЕНТЬЯН. Лаосда Вьентьян вилоятини 1990 йилгача электрлаштириш программаси қабул қилинди. Программада Лаос халқ революцион партиясининг учинчи съезди қарорларига мувофиқ, кичик-кичик электростанциялар қуриш кўзда тутилади. Бу станциялар энг олис ва тоғли қишлоқларни электр энергия билан таъминлайди. Электрлаштириш программасини амалга ошириш Лаосдаги ана шу марказий вилоят экономикасини ривожлантириш асоси бўлиб қолади.

Казонлик водийсида атиргул очилди

СОФИЯ. Машҳур Казонлик водийсида хушбўй май берадиган атиргул очилди. Қуёш биринчи нурларини тарата бошлаши билан ана шу гулзорларга гулбарг териш учун минглаб хотин-қизлар чиқади. Қадимий анъанага кўра, «ҳосил» терими водийда ажойиб байрамга айланади: халқ қўшиқлари янграйди, «Атиргул фестивали» ўтказилади. Бу фестивалга чет мамлакатлардан кўплаб меҳмонлар келишади.

Казонлик атиргули атиги 25 кун гуллайди. Гулбарг фақат эрта тонгда, шудринг буғланмасдан олдин териб олинади. Акс ҳолда жазирама қуёш нурлари остида гулдаги мойнинг ярмиси хушбўй ҳид билан бирга учиб кетади. Гул мойи олтин билан тенгдир. Бир килограмм атиргул мойини олмоқ учун камида уч тонна қизил гул баргини ёки 6 тоннага яқин оқ атиргул баргини териш ва қайта ишлаш керак бўлади.

Ҳозирги вақтда Болгария атиргул мойи ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди. Бутун жаҳонда ишлаб чиқариладиган атиргул мойининг 80 проценти Болгария зиммасига тўғри келади. Мамлакат атиргул мойи жаҳон экспортининг 70 процентидан кўпини беради. Атиргул мойи дунёнинг 30 дан кўп мамлакатига, шу жумладан Совет Иттифоқига етказиб берилмоқда.

Дўстлик муносабатлари учун

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон президенти Н. С. Редди мамлакат шимолидаги Покистон ва Хитой билан чегарадош Жамму ва Кашмир штатига сафар қилди. У Сринагар шаҳрида ҳарбий хизматчилар ҳузурида нутқ сўзлаб, Ҳиндистон изчил тинчликсевар ташқи сиёсат ўтказмоқда. Ҳамда ўз қўшинлари билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатишдан манфаатдордир, деди. Айни вақтда, деди президент биз ташқи хавфга қарши ҳушёрлигимиз ва жанговар тайёргарлигимизни доимо мустаҳкамлашимиз зарур.

Маҳаллий кузатувчилар Покистоннинг Ҳинд ерларига нисбатан территориал даъволари натижасида Жамму ва Кашмир штатида вазият яна кескинлашган бир пайтда президент мазкур районга келди, деб уқтирмоқдалар. Ҳиндистон ташқи ишлар министри Р. Венкатараман парламентнинг сўнгги сессиясида сўзга чиқиб, Покистон, АКШ ва Хитойдан олаётган энг янги қурол-яроғлар Ҳиндистон чегарасига келтирилаётганлигини маълум қилди. Ҳиндистон чегарасига бевосита яқин жойда Американинг энг янги «Ф—16» қирувчи-бомбардимончи самолётларини қабул қилиб оладиган ҳарбий аэродромлар қурилмоқда. Маълумки, бу самолётлар ядро куролини таший олади.

Тинчлик фестивалига тайёргарлик

ВЕНА. Австриянинг илғор жамоатчилиги оммавий намойишга — август ойининг бошларида бўладиган Вена тинчлик фестивалига ҳозирлик кўрмоқда. Фестиваль ташкилотчиси, Австрия студентлари бирлашмасининг раиси Фердль Штокингер матбуот конференциясида шуни маълум қилди.

Вена тинчлик байрами Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари атом бомбалари билан бомбардимон қилинганлигининг 37 йиллигига тўғрилаб ўтказилади. Байрам программасида қуролсизланиш учун кураш мавзуидаги йиғилишлар, семинарлар, мунозаралар кўзда тутилган.

ҲАММА НАФ КЎРАДИ

БЕРЛИН. ГДРдаги саноат шаҳарларининг чеккаларида гуллаб турган мевали дарахтлар, манзарали буталар, манзарали пайкаллари ва гулзорлари бўлган тобора кўпроқ «яшил оролчалар» пайдо бўлмоқда. Булар — ҳаваскор боғбонларнинг участкаларидир. Шу йил асосан Галле, Котбус ва Карл-Маркс-штатд каби саноат марказларининг атрофларида 17,5 минг-та шундай участкалар барпо этилади, улардан олинган ҳосил ўз эгаларининг дастурхонинигина безаб қолмай, шу билан бирга давлат савдо тармоқларига ҳам етказиб берилади.

Ҳаваскор боғбонлар иттифоқининг Карл-Маркс-штатд шаҳрида очилган конгрессида таъкидлаб ўтилганидек, ҳозирги вақтда республикада 670 мингдан кўпроқ боғдорчилик участкалари бор. ГДРдаги ҳар саккиз оиланинг бири шундай участкаларда бўлиб, улар асалари, парранда ва майда уй ҳайвонларини ҳам боқмоқдалар.

Бир миллиондан кўпроқ киши ГДРдаги ҳаваскор боғбонлар иттифоқининг аъзосидир. Бу мамлакатдаги энг оммавий ташкилотларнинг биридир.

Н. БАБИКИН.

ҚИШЛОҚҚА НУР КЕЛДИ

АММОН. Иорданиянинг шимолидаги Ирбид вилоятининг йигирма беш қишлоғи электр энергияси олди. Иордания пойтахти яқинидаги Зарка иссиқлик электр станциясидан ток келди. Ана шу электр станцияда ТЭЦнинг олтинчи турбинаси фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ жойларни электрлаштириш — 1981-1985 йилларда Иорданияни иқтисодий ривожлантириш беш йиллик планининг гоят муҳим вазифаларидан биридир. Программада 450 қишлоқни электрлаштириш кўзда тутилади. Бу программани амалга оширишда Иорданияга бир қанча мамлакатлар, шу жумладан Совет Иттифоқи ёрдам бермоқдалар.

ГАРИБАЛЬДИ ШАРАФИГА

РИМ. Италияда мамлакатнинг миллий қаҳрамони Гарибальди ҳалок бўлган куннинг юз йиллигига бағишланган 47 та почта маркаси чиқарилди. Унинг шарафига чиқарилган дастлабки маркалар 1910 йилда пайдо бўлган эди.

ЎТКИР ПРОБЛЕМА

БРЮССЕЛЬ. Ишсизлик ҳамон ҳозирги Бельгия учун энг ўткир социал проблема бўлиб қолмоқда. Жумладан, шу йил май ойининг охирларида мамлакатда 444,5 минг ишсиз бор эди. 1981 йилнинг майида Бельгиядаги «ортиқча кишилар» сони 378,3 минг нафарни ташкил этганди.

Иш билан таъминлаш масалалари миллий бошқармаси шу маълумотларни келтириб, ҳозирги вақтда мамлакат меҳнатга қобилиятли жами аҳолисининг 10,7 проценти меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум эканлигини қайд этади.

ИШСИЗЛИК РЕКОРД ДАРАЖАДА

МАДРИД. Испанияда ишсизлик рекорд даражага етди. Миллий статистика институтининг хабар қилишича, мамлакатда «ортиқча» кишилар икки миллиондан ошиб кетган. Испаниядаги меҳнатга яроқли аҳолининг 15,9 проценти ишсиз. Мамлакатнинг жануби-шарқидаги Андалусия областида ишсизлик даражаси айниқса юқори бўлиб, бу ерда 450 минг киши ишлаш ҳуқуқидан маҳрумдир.



ФОТОКАЛЕЙДОСКОП

△ Икки инглиз сайёҳи — Ранульф Файэннес ва Чарльз Бартон Шимолий қутбга етиб бордилар. Ернинг ҳар икки қутби бўйлаб саёҳат ниҳоясига етди. Экспедиция 1979 йилнинг сентябрида Лондон яқинидаги Гринвичдан бошланган эди. Уша вақтдан бери Р. Файэннес ва Ч. Бартон 83 минг километр йўлни босдилар.

Улар планетамизнинг ҳар икки қутбида бўлган дастлабки саёҳатчилардир.

△ Конструкцияси Японияда яратилган ўйинчоқ автобус туфайли пластинкаларни проигривателларсиз тинглаш имконияти пайдо бўлди. Игнаси ва жажжи динамиги бўлган автомобиль пластинка бўйлаб доира шаклида ҳаракат қилади ва овознинг тиниқ чиқишини таъминлайди.

СУРАТДА: «музикали автобус» амалда.

АП — Кейстон — ТАСС фотолари.

• *Ўзбекистонда Пушкинхонлик кунлари*

БАРЧА ЗАМОНЛАРГА ЗАМОНДОШ

Мамлакатимизда шу кунларда, Бутуниттифоқ Пушкин шеърияти байрами ўтяпти. Республикамиздаги Пушкинхонлик кунлари ана шу байрамнинг тантанали бир бўлагидир. Биз тағин Пушкиннинг улуғвор даҳосини хотирлаймиз. Асарларини мутолаа қиламиз. Унинг ҳайкаллари пойига гулдасталар қўйиб, улуғ шоирга эҳтиромимизни ифода этамиз.

Пушкин чексиз эҳтиромларга арзийди. Унга инсоният эҳтироми интиҳо билмайди.

Қонун каби қучдир ўлимнинг кучи,
Ўзидан юксакроқ одамлар учун...

Бу мисраларни шоир Абдулла Орипов ўзининг «Пушкин» шеърида айтган. Ҳа, Пушкин — номи инсониятнинг маданияти тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб қолган, буюк руҳи ўлим деган даҳшатли ҳодисага бўйин эгмаган, жисмонан ўлдирсак балким ундан қутулармиз, деган ожиз фикр билан шоирнинг ҳаёт шаъмини сўндирган ёвуз кимсалар ва ёвуз жамиятнинг қора хаёлларини батамом пучга чиқарган, ёрқин сиймоси ва сўзи кейинги замонлар устида ҳам чақнаб турган даҳолардан биридир.

Инсоният ўз орасидан етиштирган барча улуғ кишилар каби Пушкин даҳосининг ҳам уфқлари поёнсиз ва ҳадсиздир. У ўзи ҳаётлигидаёқ шундай эди. Бежизга тадқиқотчилар Пушкинни фақатгина рус классик адабиётининг ибтидоси, деган фикрга рози эмаслар. Улар Пушкинни умуман ҳақиқий рус маданиятининг асосчиларидан, деб эътироф қиладилар. Чиндан ҳам рус адабиётининг келгуси тараққиёт йўллари ва ғоявий-эстетик принципларини Пушкин ўз асарлари билан белгилаб берди. Пушкин даҳоси рус музыкасининг тафаккурига қанот берди. Пушкин асарлари асосида улуғ рус композиторлари ўлмас опера ва балетлар яратдилар. Пушкин улуғ Петр ва жасур исёнкор Пугачевга доир тадқиқотлари билан рус халқи тарихини янгича, демократик англаш намунасини кўрсатиб берди. Пушкин шахсияти, ижодидаги гуманистик ва актив дунёқараш рус халқига ва унинг намояндаларига бундан кейин қандай яшаш кераклигини ибрат қилиб берди. Шу тарика, Пушкин даҳоси фақат маданий ҳодиса эмас, балки Россиянинг ижтимоий тараққиётида муҳим роль ўйнаган улкан тарихий ҳодисага айланди.

Пушкин даҳосининг поёнсизлиги яна шундаки, у келгуси асрларнинг чексиз уфқларига улашиб кетади. Бу ижодий даҳонинг қудрати ва теран моҳияти тўғрисида унинг ўзи яшаб ижод этган даврда не-не улуғ мутафаккирлар сўз юритган. Пушкин ҳақида сўз ҳамиша давом этади. Пушкинни ҳар бир давр, умуминсониятнинг маънавий бойликларига ҳамнафас ҳар бир халқ, шунингдек, ҳар бир адабиёт ихлосманди янги-янги томонлардан кашф этаверади.

Улуғ Октябрь инқилоби бешигида туғилган, кўпмиллатли совет адабиётининг ёрқин отрядларидан бўлган ўзбек совет адабиёти ҳам Пушкин даҳосига ҳамиша таъзимда. У энг аввало Пушкининг шоирлик, унинг мактабини ўтаб ўзини англаган ва ўзига хос қиёфасини топган адабиётдир.

Нега энди энг аввало Пушкининг? Шу маънодаки, совет адабиёти Пушкин тажрибаларини илгари сурган рус реалистик адабиётининг қонуний меросхўри ва унинг ғоявий-бадиий анъаналарининг янги шароитдаги давомчиси сифатида майдонга келди. Бинобарин, шу улуғ адабиётнинг бир звеноси ўзбек совет адабиёти ҳам Пушкининг давомчисидир. Унинг реалистик изланишларида ва новаторона ютуқларида Пушкининг «қони» бор.

Қолаверса, ўзбек совет адабиётининг тарихан янгича йўли, янги ижодий методга ўтиши илк ўзбек совет адибларининг Пушкин мероси билан бевосита учрашувига зарурат пайдо қилди. Пушкин — реалистик ижод принципларини эгаллашда ўзбек совет адабиёти мурожаат қилган илк ҳаётбахш мактабларидан биридир. 20-йилларда адабиётга кирган ёшлар Пушкин меросини ихлос билан ўргана бошладилар. Миртемир қуша даврни эслаб, ўз суҳбатларидан бирида: «Пушкин ҳақиқий шеърият нима эканлигини бизга кўрсатиб, кўзимизни очди» деган эди.

Устоз Ойбек Пушкин меросининг ўзбек совет адабиётига кўрсатган улкан таъсири ҳақида шундай ёзади: «Ўзбек совет поэзиясига кириб ўзлашаётган қатор шеърий формалар — баллада, элегия, «бағишлов»лар — бари Пушкин поэзиясидандир. Бу янги достонларимиз Пушкин мактабидан ўқиб ўрганишнинг натижаси ҳамдир. Шеър тузилиши ва қофиялар системасида ҳам улуғ рус шоирининг «сабоғи»ни очиқ кўриш мумкин. Айниқса ўрта асрларга хос эстетик нормалардан янги, реалистик, жонли, табиий образлар системасига ўтишда Пушкин бизнинг шоирларга муаллим бўлди». Ойбек Пушкин меросининг ўлмас аҳамияти ҳақида фикр юритиб, яна давом этади: «Лекин ёзувчиларимиз, агар улар сўз санъаткори бўлмоқни истасалар. классик ва ҳозирги замон рус адабиётини чуқур ўрганишлари керак. Ҳар бир ўзбек ёзувчиси Пушкиннинг гениал адабий меросини ўз миясига сингдириши керак».

Пушкин ижодиётининг оламшумул аҳамияти ҳақида Ҳамид Олимжон. Мақсуд Шайхзода каби устоз адиблар ҳам муҳим фикрларни айтганлар. Пушкин ўзбек адабиётининг ёш авлоди камолотида ҳам катта роль ўйнади. 60-йилларда умумсовет адабиётида бўлганидек, ўзбек совет адабиётида ҳам Пушкин меросига янги, актив ёндошув кўзга ташланади. Бунинг жиддий боиси бор, албатта. Негаки, сўнгги йилларда совет адабиёти реализмнинг янги чўққиларига кўтарилди, инсон ички дунёсини бадиий кашф этиш йўлида оламшумул қадамлар ташлади. Адабиётимиздаги ана шундай янги даврнинг бошланишида ижоркорларнинг Пушкин меросига мурожаати ҳам муҳим роль ўйнади. Ҳусусан, инсоннинг маънавий оламини поэтик акс эттиришда Пушкиннинг буюк маюоратн шоирларни, айниқса ёшларни ғоятда илҳомлантирди. Пушкининг ижодий таъсирини Эркин Воҳидовнинг ғоятда инсоний лирикасида ҳам, Ҳусниддин Шариповнинг достонларида ҳам, Абдулла Ориповнинг актив гражданлик руҳи билан суғорилган ёрқин шеъриятида ҳам, Омон Матжоннинг ўйчан, дилбар поэзиясида ҳам яққол ҳис этамиз.

Пушкин ўзбек халқининг ҳам ғоятда севимли, ҳар бир хонадондан китобларини топишимиз мумкин бўлган санъаткорларидан биридир. Унинг кўпгина асарлари тилимизга таржима қилинган. Пушкин ижоди билан халқимизни таништиришда адабиётимизнинг забардаст намояндалари катта меҳнат қилди. Бинобарин Пушкин асарлари халқимиз маданиятини бойитиш билан бирга ёзувчиларимизнинг бадиий маҳорати такомилига ҳам самарали таъсир кўрсатди. Ҳ. Олимжон айтганидек, «Пушкиндан бирор асарни яхшилаб таржима қилиш билан шоир ўз ижодида янги бир поғона очади». Худди шундай сўзларни Пушкин асарларини таржима қилган адабиётимизнинг ҳар бир намояндаси бемалол такрорлаши мумкин.

Социалистик жамиятнинг турмуш тарзи, унинг юксак ижтимоий идеаллари, шу идеалларга қизғин интилишлар, совет кишисининг келажакка ёрқин ва буқилмас ишончи, ҳаётимизнинг ўзига хос, ноёб маънавий муҳитини вужудга келтирди. Бу муҳит ҳаётбахш инсоний хусусиятларга бой. Чунки бу муҳитда Пушкин руҳи ҳам ҳукмрон. Кишининг чексиз завқини келтирадиган пушкинона баркамол, мумтоз ижодиёт, унинг юксак гуманизми маънавий муҳитимизга ҳамиша гўзал руҳ бағишлаб келяпти. Бинобарин биз учун, ана шу муҳитда волга етган совет кишилари учун тараққиётнинг бош белгиси инсондаги инсонийликнинг камолотидир. Шундай камолотга эҳтиёж сўнмас экан, унинг яловбардорларидан бири, бутун ижоди билан инсониятнинг тараққиётига хизмат қилган Пушкинга ҳам эҳтиёж сўнмайди.

Михли САФАРОВ.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

• *Сўраган экансиз...*

ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

М. ЮСУПОВ: Колит хасталиги ҳақида маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Жавоб: бу хасталик ички касалликларнинг бир тури бўлиб, унда асосан йўғон ичакнинг шиллиқ қавати зарарланади. Хасталикнинг уч тури мавжуд. Ўткир, сурункали ва яралн колитлардир. Хасталик кўпинча ошқозон-ичак касалликлари оқибатида айниқса дизентериядан сўнг пайдо бўлади.

Сурункали колитлар эса пала-партии ва сифатсиз овқатланишлар, овқатни яхши чайнамай истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Натижада хасталикни даволатиш учун энг аввал участка врачи билан маслаҳатлашиб, унинг тавсияларига амал қилиб, парҳез сақлаш керак.

* * *

М. РАФИКОВА: Ширинликни ортиқча истеъмол қилиш соғлиққа зарар эмиш. Шу гап тўғримн?

Жавоб: Ҳамма нарсанинг меъёри бор, меъёрдан ортиғи соғлиқ учун зарар қилади. Ширинликни кўпроқ истеъмол қилиш кишини семиришга, ёш болаларда эса тиш касалланишига олиб келади. Шу сабабли ширинликни меъёр билан истеъмол қилиш, кўпроқ таркибида қанд моддаси бўладиган ширин-шакар меваларни ейиш мақсадга мувофиқдир.

* * *

С. ЗОКИРОВ: Бўйни ўстириш учун қайси соҳадаги мутахассис билан маслаҳатлашиш мумкин?

Жавоб: Врач. эндокриклогларбилан маслаҳатлашиш керак. Бундай мутахассислар 1-шаҳар касалхонасида ҳам мавжуд.

Р. НУЪДОШЕВ, Ҳ. ҚОДИРОВ: Оғиздан сўлак оқиш ва тилнинг яраланишини даволаб бўладими?

Жавоб: Одатда бундай ҳолатлар турли касалликлар натижасида, ўта аччиқ ва ўта иссиқ таомларни ейиш, нос чекиш натижасида келиб чиқади. Унинг сабабини фақат стоматологлар аниқлайди ва сифатли даволайди. Бундай мутахассислар ТошМИ поликлиникаси ва клиникаларида тиббиннг ярланишини даволаб бўладими ёрдамч бўлиши мумкин. Лекин, ўз билганингизча сира ҳам даво усулларини қўлламанг.

* * *

М. МУРОДОВА, Э. ТЕМИРОВА, А. АБДУҒАНИЕВ: Баъзи ёшларнинг сочлари тез-тез тўкилади ҳамда қазғоқланиб туради. Бунга сабаб нима?

Жавоб: Ўта иссиқ ва ўта совуқ ҳарорат соч илдизига салбий таъсир этиб, сочни қуритиб қўяди. Сочни кир совуни билан ювиш ҳам соч терисини қуритиб қўяди. Натижада соч тез тўкиладиган бўлиб қолади. Шуниингдек, бу ҳолат сочнинг қазғалокланишига ҳам олиб келади. Бу ҳолатларнинг олдини олиш учўн бош кийими кийиб юриш, сифатли ва тўйимли овқатланиш, сочни «Сульсен» совуни, «Шампунь» ҳамда «Болалар совуни» билан ювиш, тухум сариғини сувга аралаштириб ювиш ҳам фойдали. Баъзи касалликларда ҳам соч тез-тез тўкилади.

Жавобларни
Ю. АҲРОРОВ,
Т. РАСУЛЕВлар
тайёрлашган



Яқинда шаҳримизда яна учта педиатрия тез ёрдам подстанциялари ташкил этилди. Киров районидаги 6-педиатрия тез ёрдам подстанцияси аҳолига намунали хизмат қилмоқда.

СУРАТДА: врач,педиатр Рима Нам ва моҳир фельдшер Гулнора Толипова беморга ёрдам бергани йўлга отланишяпти. М. Нуриддинов фотоси.

Кейинги пайтларда чекишни оғу эканлигини ҳис этган, тамаки кишини оғир хасталикларга банди қилиб қўйишини сезган кашандалар бу дардисар одатдан қандай қилиб ҳоли бўлиш йўлларини исташмоқда. Баъзи ашаддий кашандалар чекишни ташлашни хоҳлайдилар-у, бироқ қаловини топа олмай хуноб бўлиб юрадилар. Бунга қуйидаги мисолни келтиришимиз мумкин: 1969 йили Австралиянинг бутун қитъаси бўйлаб аҳолининг тамакига бўлган муносабати ҳақида «савол-жавоб» ўтказганида қуйидаги нарса аниқланди. Маълум бўлишича, кашандаларнинг етмиш процснти чекишни ташлашга ёрдам берадиган «амал»ни топиш ғамида юраб эканлар. Америка Қўшма Штатларида эса ўн миллиондан ортиқ кашанда тамаки сиртмоғига эм бўладиган давони топа олмай, хаёлларини хуфтон босган.

Мамлакатимизда чекишга қарши кескин кураш бошланган бўлиб, тамакининг тутунига илашиб қолганларни қуткариш борасида атрофлича оммавий-тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан тамакининг тутган-битгани заҳар эканлиги: унга руҳу қўйганларда ўпка рақи мавжуд бўлиши мумкин эканлиги, асабга, юракка, қонга, зурриётга, кўзга, аклга салбий таъсир кўрсатиб, оғир асоратлар билан кишанлаб қўйиши, хуллас тамаки умр заволи эканлиги ёрқин мисоллар билан баён этилмоқда. Ҳозирда бир қатор чекувчилар тамаки чекишни ташлаш илинжида юришганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Таниқли шифокорларимиздан И. И. Беляев бир аламзада чекувчининг арзини баён қилишга қарор қилади: «Мен йигирма икки йиллан бери чекиб ашаддий кашандалар қаторидан ўрин олганман, менинг куним папирос билан бошланиб, папирос билан тугайди. Бирорта ишни бошлаш тамакисиз бўлмайди, батамом ишсиз йўқ! Мен ва мен қатори бир қанча чекувчилар бу матоҳни ташлаш учун минг уринайлик, барибир уддасидан чика олмаяпмиз. Ҳалқ хам қунига 30 дона папирос чекаяпман. Йилдан-йилга чекишнинг ёмон асоратини сезаяпман, кундан-кунга унга нисбатан нафратим ошаяпти. Бироқ чекмасдан тура олмайман. Менга ўхшаганлар жуда кўп».

Шуни айтиш керакки, ҳозирда бирор бир радикал амал йўқ-ки, у чекувчини маъшум тамаки чирмовидан суғириб олса.

Тиббиётнинг чекишга қарши қурашувчи дори-дармонлар арсеналида бўлган препаратлар асосан никотинга бўлган ҳуморни вақтинча қайтарувчи никотин ҳислатлари ва тузилишига ўхшаш моддалардан ёҳуд билвосита таъсир кўрсатиш билан тамаки чекишга ноҳуш кайфият берадиган омиллардан иборат бўлади. Бу борада таниқли олим В. Вильнер усули маълум даражада ижодий натижасини кўрсатади. Бунда цититон эритмасини тери остига ишлаш билан бир-икки ҳафта давомида даволаш ишлари олиб борилади. Цититон препарати икки ўсимликнинг алкалоидларн муштараклиги, яъни афсонак ўти (термопсне) ва ракитник уруғларидан олинган омиллар одатда балғам кўчириш хусусиятига (тинчлантирувчи, хотиржамлаштирувчи ва ҳ препаратлар) ҳам атрофлича ишлатилади. Бу омиллар тамакига нисбатан чекувчини бутун вужуди билан тақлашишига таскин, бериши мумкин. Тинчлантирувчи манба бўлиб греоксазин, мепробамат, валериана, жасмни анчагина камайтирдилар, 3 ой давомида чекмаган бўлсалар-да, кейинчалик оз бўлса ҳам чекишни касб қилиб олдилар.

Шуни айтиш керакки, кузатувда бўлган кашандаларнинг ҳар бири 40 йиллик чекиш «стажига»га эга бўлишган бўлиб, улар кунига 25—50 донадан сигарет чекканлар.

Чекишни ташлашни қасд қилган кишилар учун оддий амаллар ҳам мавжуд: чекувчиларга тамаки чекишдан олдин қумуш нитратнинг 1:1000 га бўлган эритмаси билан оғиз чайқалиши тавсия этилади. Шундан сўнг тамаки чекиладиган бўлса, кўнгил оздирадиган вохуш кайфият пайдо бўлади, натижада чекишга ихлос қолмайди. Чекишни ташлаш борасида мис купороси, протаргол ва таниндардан фойдаланиш ҳам мумкин. Улар ўз навбатида маълум даражада ижобий натижа бериши мумкин.

Шифокорларимиздан Л. Я. Брусиловский тавсия этган оддий амал ҳам ўз йўли билан фойдали бўлиши мумкин. Агар тамаки чекишни ташлаш дардида юрган кишилар тиш элексири билан пилик воситасида миялк ва тилни намлаб олсалар, унда тамакига бўлган интилишлари малакага эга бўлиши мумкин.

Адабиётларда тамакига қарши яхши амал борлиги тўғрисида маълумотлар келтирилади: қирқбўғимликлар оиласига кирувчи ўсимлик асосида тайёрланган таблетка ёки қайнатма чекишни ташлашда ижобий самара беради. Бу омилдан фойдаланиш, айниқса мураккаб кўринишда бўлган бангилик, никотизм ва алкоголизм, шунингдек, чекиш натижасида оғир асоратларга банди бўлиб қолишда, яъни ёшларда жинсий танназулнинг пайдо бўлишида тузук натижа бериши мумкин.

И. И. Беляевнинг берган маълумотларига қараганда, таннин, глицерин сувнинг омухталиги билан оғизни чайиб олиб, сўнгра тамаки чекилганида ижобий натижа кутиш мумкин.

Шуни алоҳида уқтирамизки, тамаки чекишни ташламоқчи бўлган киши аввало тегишли мутахассис шифокор билан бир муҳим фикрга келганидан сўнг, фақат врачнинг тавсияси билан ёки бевосита ишгирокида комплекс ҳолда даволанишга киришмоғи керак.

Мутахассисларнинг фикрига қарағанда, даволаш комплекс ҳолда, яъни психотерапия, тинчлантирувчи дорилар дармонлар ҳамда чекишга қарши ихлос қолдирадиган омиллардан тадбиркорлик билан фойдаланиш лозим бўлади.

Даволовчи шифокор ўз навбатида тегишли малакага эга бўлиши ва ўзини масъулиятли вазифасини ҳис эта билиши даркор.

Чекишни ташламоқчи бўлган киши қатъий равишда матонат билан, мустаҳкам ирода билан даволанишни поёнига етказиши лозим.

М. НАБИЕВ,
Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институтининг илмий ходими.

• *Илтимосингизга кўра*

«ИРОДАМ КУЧЛИ, ЧЕКИШНИ ТАШЛАЙМАН»

Ҳурматли редакция! Мен кўп йилдан бери сигарет чекаман, шу баподан, чекишдан қутилишнинг иложи борми?

М. НОРМАТОВ,
ишчи.

эга бўлган дори ҳисобланади. Цититон ўз навбатида нафас олиш марказини қўзғатувчи сифатида оғир жароҳлик амали кетаётганида ёҳуд ёмон жароҳатланиш содир бўлганидан нафас олиш маъромнии тиклаш учун қўлланилади. Қизиғи шундаки, цититон препаратининг тузилиш шакли никотинга ўхшаганлиги туфайли организм уни гўё никотиндек қабул қилиб ўзини «овитади».

Болгарияда ашаддий кашандаларнинг тамакига бўлган рағбни қайтариш учун «Табекс» тугма дориларидан фойдаланилади. Мазкур препаратнинг асосини ҳам цитизин, яъни тузилиши жиҳатидан никотинга ўхшаш, бироқ заҳарсиз модда бўлиб инсоннинг нерв ҳужайраларини алдайди. «Табекс»ни ишлатиш йўли қуйидагича: дастлабки уч кун мобайнида кунига олти таблеткадан (ҳар икки соатда бир таблеткадан) ичилади. кейинчалик ичишни камайтириб йигирма бешинчи кунга бориб бир таблетка миқдорига туширилади.

Югославияда чекишга қарши «Кузминович таблеткалари» чиқарилмоқда, уни ҳам ишлатиш йўллари «Табекс»га ўхшаш тартибда бўлади.

Чекишни ташлашга мажбур қилувчи препаратлардан яна бири — лобелин бўлиб, у ўзининг таъсир кучи жиҳатидан цититонга ўхшаб кетади. Лобелин нафас олиш марказини қўзғатиш билан бирга, ёнида жойлашган қайд қилиш марказини ҳам уйғунлаштиради. Кашанда қайд қилиш бўсагасида қанчалик тамакини «шимирса», у шунчалик ижобий натижасини намоён қилади, яъни тамакига бўлган жирканиш шунчалик ошади.

Тамакига ўчликни сўндириш борасида бензидрин номли препарат ҳам қўлланилади. у чекувчига безарар «таббосди» бўлиши билан бирга, никотинга бўлган эҳтиёжни маълум даражада қондирилган бўлади.

Тиббиёт амалиётида чекиш асоратидан қутқариш мақсадида қўлланадиган яна бир қатор дори-дармонлар бўлиб, буларнинг ичида транквилизатор лар ҳам бор. Уларнинг ичидаги седуксен, элениум, феназепам, нозепам, сибазон, реланиум, мезапам, тазепам, диазепам, нитразепам, оксазепам, хлордиазепоксид, хлозепид, мединал, фенобарбитал, барбамил, барбитал, этаминал-натрий, этаминал, этаминал-натрий, этаминал, этаминал-натрий, этамин

Узбекистон ССР ҳунар-техника таълими комитети
Қизил Байроқли, Меҳнат Қизил Байроқ орденли
31-ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—1983 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига 15, 16, 17 ёшли йигит-қизлар ва Совет Армияси сафидан запасга бўшатилган ёшлар қабул қилинади.

Билим юрти темир йўл транспортида қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишловчи кадрларни тайёрлаб беради:

Қўлда пайванд қилувчи электр пайвандчилар, токарь. Ўқиш муддати — 6 ой. Ойига 73 сўм стипендия. Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб бошланади;

пассажир вагонларининг проводниги, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати — 1 йил. Бу группага 10 синф маълумотидаги кишилар қабул қилинади. Ойига 30 сўм стипендия тўланади.

Электровоз машинистининг ёрдамчиси, тепловоз машинистининг ёрдамчиси. Ўқиш муддати — 1,5 йил. Бу группага 10 синф маълумотидаги кишилар қабул қилинадилар. Ойига 30 сўм стипендия тўланади;

тепловоз машинисти. Ўқиш муддати — 2 йил. Ойига 72 сўм стипендия тўланади;

электровоз машинистининг ёрдамчиси, тепловоз машинистининг ёрдамчиси, электр асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь-электрик, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича слесарь, токарь, программали бошқариладиган станокларнинг оператори, электр-газ пайвандчи — ўқиш муддати 3 йил.

3 йил муддатли таълим группасига кирувчи ўқувчилар ўрта маълумот ва эгаллаган касби бўйича диплом оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар имтиёзли равишда олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлаганлар темир йўл транспорти ходимларига жорий этилган барча имтиёзлардан фойдаланадилар, чунончи, Совет Иттифоқининг нисталган пунктига бир маротаба бепул бориб келиш ҳуқуқига эгалар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза райони, Слоним массиви (15, 23, 60-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати; 8, 48, 80-экспресс автобусларнинг «Котельная» бекати). Справкалар учун телефон 96-34-90.

196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА ЗАВОДИ УЧУН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАБ БЕРАДИ.

Ярим ўтказгичли асбобларни ишлувчи, радиоаппаратуралари ва асбобларини монтаж қилувчи ва регулировкачи, технология асбоб-ускуналарини созловчи, токарь, фрезерчи.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАҚИМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА АТРОФИДА ЯШОВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати: 8 синф ҳақимида маълумотлилар учун — 3 йил, 10-синф маълумотидагилар учун — 1 йил.

Ўқишга қабул қилинган 10 синф маълумотидаги ўқувчилар 30 —45 сўм ҳажмида стипендия оладилар. 8 синф маълумотидагилар эса тўлиқ бўлмаган давлат таъминотида бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтган ёшлар учун пресслаш асбоб-ускуналарининг ремонтчи-слесари ихтисосига қушимча қабул эълон қилинади ва уларга ойига 70 сўм стипендия тўланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар Москва, Ленинград ва Тошкент шаҳарларидаги олий ўқув юртлари ва техникумларига ўқишга юборилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: билим юрти директори номига ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, ота-онасининг иш жойидан, яшаш жойидан, медицина (286-форма) справкалари, 6 та фотосурат (4 х 6 см).

Қабул комиссияси билим юрти биносида, В. И. Ленин номидаги Тошкент электротехника заводининг кадрлар бўлимида ҳар куни ишлайди.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, 5-алоқа бўлими, Ленин райони, Весна кўчаси, 17-уй. Телефон 91-14-51.

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг
155-ШАҲАР ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЗОҚҚА ҚАТНОВЧИ ПАССАЖИР ВАГОНЛАРИНИНГ ПРОВОДНИГИ.

Ўқиш муддати — 1 йил. Ўрта маълумотли 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга ойига 30 сум стипендия тўланади. Етоқхона берилмайди.

МАШИНАДА ҚОЛИПЛОВЧИ. Ўқиш муддати — 1 йил.

8—10-синф ҳажмида маълумотли, 17,5 ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар қабул қилинади. 8-синф маълумоти бўлганларга ойига 30 сум, 10-синф маълумоти бўлганларга 70 сўм стипендия тўланади. Етоқхона билан таъминланади.

ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ. 10-синф маълумоти бўлган; 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга ойига 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади. Ўқиш муддати — 1 йил. Етоқхона берилади.

ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ ВА РЕФРИЖИРАТОР ПОЕЗДЛАРИНИНГ МЕХАНИГИ

10-синф маълумоти бўлган 17 ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар қаоул қилинади. Ойига 30 сум, Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар учун эса 72 сўм стипендия тўланади. Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб бошланади. Ўқиш муддати — 1,5 йил.

тепловоз машинистининг ёрдамчиси, тепловоз механика қисми ремонти бўйича слесарь, электр пайвандчи, тепловоз электр қисми ремонти бўйича слесарь, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, совутиш асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати— 3 йил. Бу группаларга 8 синф маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар қабул қилинади. Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал овқат, кийим-бош, шунингдек, ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат қилиб топган маошининг 50 процента билан таъминланади. Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Билим юртини тамомлаганларга диплом берилади, аъло баҳоларга тугатганлар эса олий ва ўрта ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга қабул қилинади.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ходимлари учун жорий этилган имтиёзлардан, жумладан, Совет Иттифоқининг нисталган пунктига поездда бепул бориб келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлик ва маълумоти ҳақидаги гувоҳномалар, ота-онасининг иш жойи ва яшаш жойидан справкалар, характеристика.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Ленин райони, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5-трамвайлар, 22, 55, 106-автобусларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.

«ЭКСТРА»НИ ҲАР ҚАНЧА МАҚТАСА АРЗИЙДИ



Тўқимачилик буюмларини химиявий тозалаш жараёнида газламаларнинг сатҳидаги пишиқлик, ранг айнишининг олдини олувчи қоплама ювилиб кетади. Баъзан ана шундай ишловдан сўнг буюмларга қандайдир ҳид ўтириб қолади.

Буюмларга ўзининг дастлабки ҳолини қайтариш, шу билан бирга уларни ҳидсизлантириш учун «Экстра» препарати билан ишлов беришни тавсия этамиз. Бу чиндан ҳам мўъжиза яратувчи суюқликдир!

Қабул пунктларимиздан бирортасида буюмларга «Экстра» препарати билан ишлов беришни илтимос қилиб буюртма берсангиз, ҳеч қачон афсусланмайсиз.

«ХИМЧИСТКА» фабрикасининг барча қабул пунктлари сизга тез ва сифатли хизмат кўрсатишга тайёр.

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

КИНО

9 ИЮНДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«АРХИП ЛЮЛЬКА» — Фестиваль.

«ҚРИМНИНГ САҲИЙ ҚЎЙЧИСИ» — Восток.

«ЕШ ОВОЗЛАР» — Қозоғистон.

«ТИНЧЛИКДАН МУҲИМ НАРСА ЙЎҚ» — Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли.

«РАҚС БАЙРАМИ» — Кўнча.

«СОВЕТ РОССИЯСИ КУНИ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КАРНАВАЛ» — Чайка (жуфт соатларда, телефон 77-06-20). Нунус (тоқ соатларда, телефон 45-70-69). БЛКСМнинг 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 33-05-01). Фестиваль (ёзги бинода, 21.45, телефон 32-78-02).

«ТОМЧИ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25). Қозоғистон (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-93). Дружба (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

«ГОБИ ВА ХИНГАН ОША» — Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-31-02). К. Ерматов номли (17, 18, 20, 21.00, телефон 24-22-66).

«АСРИМИЗ ҮҒИРЛИГИ» — Искра (16, 18, 20.00, телефон 39-11-76).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — F. Ғулом номли (17, 20.00, телефон 48-42-80).

«ИЛОН ЙИЛИ» — Мир (17, 20.00, телефон 91-08-30).

ДОИМИЙ ИШГА
машинистка, ёрдамчи-транспорт ишчилари
КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

«Ташплодоовошч» бирлашмаси Собир Раҳимов район улгуржи-чакана савдо конторасига қарашли 4-магазининг йўқолган

ТЎРТБУРЧАКЛИ ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

АБИТУРИЕНТЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

«БИЛИМЛАР УЙ»ИДА
(Киров кўчаси, 24-уй)
«БИЛИМ» жамиятининг Тошкент шаҳар ташкилоти
1—31 июль кунлари
ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИЛАР УЧУН
математика, физика фанлари бўйича рус ва ўзбек тилларида

МАШҒУЛОТЛАР ЎТКАЗАДИ

Машғулотлар — ўзбек группасида физикадан соат 10.00да, математикадан соат 12.00да; рус группасида физикадан соат 18.00да, математикадан соат 16.00да бошланади.

Билетлар соат 11.00дан 19.00гача сотилмоқда.

56-67-67, 56-48-96 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

9 ИЮНЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевиденнинг «Восток» программаси

18.00 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». Курск область Шчигров район аграр саноат комплекси район авеносининг иши ҳақида. 18.15 «Ғоричилар қаердасиз?». 19.00 «Ёз ҳузурида меҳмонда». Мультфильм. 19.20 «Дунё воқеалари». 19.35 «Фан оламида». 20.20 «Қумтепаликлардаги узундан-узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Давид Ойстрах». Фильм-концерт премьераси. 23.00 «Дунё воқеалари». 23.15 «Булутларга йўл». Телевизион ҳужжатли фильм.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қорбобо ва ёз». Мультфильм. 18.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Бирга бўлсак ҳаммамиз» (рус.). 19.00 «Фан уфқлари». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Турмуш ва маданият». 20.15 «Чорвачилик — зардоб фронт». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Куйла дилкаш дуторим» Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Ғаройиб бола». Кинокомедия. 23.45 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ер ва ой». Кинопрограмма. 19.30 «Муҳаббатимиз дарёси». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Волгоград, Брянск», «Совет Иттифоқининг шаҳарлари туркумидан телефильмлар». 20.50 «Сўнгги ов». Телевизион бадиий фильм (рус.). 21.30 МТ. II.

10 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевиденнинг «Восток» программаси

15.20 «Топшириқ». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.45 «Ёш техник —82». 16.20 Болалар учун фильм. «Уч қувноқ смена» 2 фильм. 17.25 П. И. Чайковский. 5-симфония. 18.15 «Жасорат». 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». Кўрсатувни СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси П. Г. Бунич олиб боради. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Халқ қуйлари». 19.45 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 20.15 «Қумтепаликлардаги узундан-узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия. 21.30 «Время». 22.00 «Қумтепаликлардаги узундан-узоқ йўл». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 О. Уайльд. «Содиқ дўст». РСФСР халқ артисти Н. Подгорний ўқийди.

Марказий телевиденнинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ян Сибелиус». Телевизион ҳужжатли фильм (Финляндия). 19.45 Бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати. Вильнюсдан олиб кўрсатилади. 20.15 «Халқ қуйлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Дўстларимиз чеҳраси». 21.30 «Время». 22.00 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурснинг гала-концерти очилиши. Кремлинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Кичик-талантлар». Фильм-концерт. 11.50 «До ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун мусиқали ўқув кўрсатуви (такрорий). 12.20 «Ғаройиб бола». Кинокомедия. 13.45 «Спорт, спорт, спорт». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Мушукча Женя ва йўл ҳаракати қоидалари», «Дилли—Дилли қуёшли богда». Мультфильмлар. 18.30 Узбекистон фармацевтларининг II съезди. 19.00 «КПСС Марказий Комитети Май (1982 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга». Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси (рус). 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 Адабий альманах. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт. 21.30 Москва «Время». 22.00 «ОЗОД ВАТАНИМИЗ, ОРТИҚ ШОН-ШУҲРАТИНГ!». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикаларнинг телевизион фестивали. Тожикистон телевиденнеси программаси. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ерда ва осмонда». Телефильм. 18.40 «Эдуард Колмановский қўшиқлари». Фильм-концерт. 19.35 Реклама. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Осилсанг баланд дарахт осил». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 МТ. II.

АГАР УЙИНГИЗДА «КОМФОРТ» БЎЛСА
ҲАВО СОҲИЛДАГИДЕК БЎЛАДИ

«КОМФОРТ» электр намлагичи ҳавони чанг ва тутунлардан тозалайди. У сув заррачаларини электрлаб салбий ионлар сонини кўпайтиради. Шунинг учун ҳам хонангиздаги ҳаво «КОМФОРТ» ёрдамида денгиз ҳавосига яқинлаштирилади. Енгил салбий ионлар билан бойитилган ҳаво кўпгина касалликларга шифобахш таъсир кўрсатади.

Электр намлагич баҳоси — 24 сўм.

«КОМФОРТ» ЭЛЕКТР НАМЛАГИЧИНИ

«ТАШХОЗТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН

Магазинлар адресларини маълум қиламиз:

1 — Пролетар кўчаси, 49-уй.
3 — Истиқбол кўчаси, 1-уй.
4 — Фарҳод кўчаси, 17-уй.
5 — «Техника рўзғорда» — Узбекистон ССРнинг 50 йиллиги номли, Марказ—14, 24-уй.
6 — Энгельс кўчаси, 94-уй.
7 — Госпиталь бозори.
8 — Черданцев кўчаси, 22-уй.
9 — Строительная кўчаси, 1-уй.
10/1 — Фарҳод ярмаркаси.
11 — Энгельс кўчаси, 46-уй.
13 — Сергели савдо маркази.
19 — У. Ширин кўчаси, 133-уй.
22 — «1000 та майда-чуйда» — Муқимий кўчаси, 4-уй.
23 — Волгоград кўчаси, 14-уй.
26 — Паркент бозори.
30 — Навоий кўчаси (янги шаҳар ярмаркаси).
31 — Боткин кўчаси, 7-уй.
35 — Октябрь бозори.



«ТАШХОЗТОРГ»,
ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

автоматика ва контроль ўлчов асбоблари бўйича слесарлар, электриклар, асбобсозлар, иш тақсимотчилари, фрезерчилар, токарлар, юкчи-экспедиторлар; машинасозлик технологияси, металл кесадиган станоклар ва асбоблар, рангли металлар металлургияси, электрон приборлар, молия ва кредит, асбобсозлик хўжалиги, химиклар, нормаловчилар ва конструктор ихтисосликлари бўйича инженерлар.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАСИГА

тикувчилар, фрезерчилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»га қарашли
1-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА

автомобиль ҳайдовчилари ва бульдозер машинистлари. Енгил кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

идиш-товоқларни йиғувчилар, ошхона ишчилари, буфетчилар, ветеринария врачлари, ҳаммомларга қараб турувчи операторлар.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИГА

юкларни қабул қилиб олувчилар, поезд составларини тузувчиларга ёрдамчилар, инженер-химиклар, стрелка постн навбатчилари, ҳаракат тезлигини бошқариб турувчилар, тепловоз ремонти оуйича слесарлар, газ-электр пайвандчилар, токарлар, шофёрлар, юкчилар, ҳамма касбдаги қурувчилар, машинист ёрдамчилари. Енгил кишилар ётоқхона онлан таъминланадилар. Меҳнат отпускаси даврида ишчига ва унинг қарамоғидаги 2 кишига бепул темир йўл билети берилади.

СПРАВКА ВА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — 1. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. Икромов район пункти — 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.

МУЗИКА ШИНАВАНДАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Агарда шу вақтга қадар ўзингиз яхши кўрган чолғу асбобида куй чалишни ўрганмаган бўлсангиз, сизни,

халқ филармонияси ҳузуридаги

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ КЕЧКИ МУЗИКА МАКТАБИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Музика мактабида турли касбдаги ва турли ёшдаги (6 ёшдан 45 ёшгача) кишилар ўқишади. Бу ерда гитара, дўмбира, уриб чалинадиган чолғу асбоблари, баян, аккордеон, скрипка, ўзбек халқ чолғу асбоблари, фортепьяно чалишни ўрганиш мумкин.

Курсни битирганларга вокал-музика мактабини битирганликлари ҳақидаги ўрта ва олий ўқув муассасаларига кириб ўқиш ҳуқуқини берувчи аттестат топширилади.

Ҳужжатлар 20 сентябргача қабул қилинади, қўшимча қабул октябрь ойи давомида ўтказилади.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Будённий кўчаси, 123-уй (2, 3, 80-автобусларнинг «ГАИ» бекати).

СОКОЛЬСК ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ ТЕХНИКУМИ
КУНДУЗГИ, КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқаришининг техник-технологи, ёғоч плита ва пластиклар ишлаб чиқаришнинг техник-технологи, целлюлоза-қоғоз ва ўрмон-химия саноати корхоналари ускуналарининг техник-механиги, бухгалтерия ҳисоби бўйича бухгалтер, ўрмон-химия ишлаб чиқаришининг техник-технологи, целлюлоза-қоғоз ва ёғочни қайта ишлаш саноати корхоналарида планлаштириш билан шуғулланувчи техник-планловчи, саноат корхоналарининг электр жиҳозлари ва қурилмаларининг техник-электриги.

Қабул шартлари барча техникумлардагидек.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

8—10-синфни битирган, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестатида фақат 4 ва 5 баҳолари бўлган ёшлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади: целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариши, ёғоч плиталари ва пластиклар ишлаб чиқариш, целлюлоза-қоғоз ва ўрмон-химия саноати корхоналарининг ускуналари, ўрмон-химия ишлаб чиқариши, саноат корхоналарининг электр жиҳозлари ва қурилмалар, бухгалтерлик ҳисоби.

Ўқишга йўлланма олишга доир саволлар билан қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 23-уй, кадрлар бўлими.

Октябрь районидаги 18-болалар поликлиникаси коллективи шу поликлиниканинг бош врач ўринбосари М. А. Валиевага онаси

Матлуба
ҲОШИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзгипроселъхоз» республика лойиҳа институтининг коллективи хўжалик ишлари мудири

Нурмат
ХОЛМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

---

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02, бўлимлар: партия гурмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар —33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навба ғчилари —33-80-50.

9 ИЮНЬ, 1982 й. Р—07265 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691. 6